

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди, 2020 йил 17 сентябрь куни, “Марказий” МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи Ж.Хожаев,

Судья ёрдамчиси Н.Хамраеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Тошниязов, судланувчи Г.Шарметованинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “ADOLAT MUDOFASI” адвокатлик бюроси адвокати Х.Измублаевлар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан судланувчи Г.Шарметовага нисбатан тўпланган жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Шарметова Гулноз Абдирахмоновна** (Sharmetova Gulnoz Abdirahmonovna) 1970 йил 10 февралда куни Бўстонлик туманида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, “Бурчмулло давлат ўрмон хўжалиги”да ишчи, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотларини олмаган, муқаддам судланмаган, Бўстонлик тумани, Пском қишлоғи, рақамсиз уйда яшовчи, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 14 сентябрь куни олган, иш бўйича шахсий кафилик эҳтиёт чораси қўлланилган.

Суд судланувчининг кўрсатмаларини тинглаб, гувоҳларнинг кўрсатмаларини муҳокама қилиб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳужжатларга кўра, судланувчи Г.Шарметова 2020 йилнинг апрель ойида Бўстонлик тумани, Пском қишлоғида жойлашган дўконга кетаётган вақтида, бир дона полителен пакетга солинган “кўкнори” ўсимлиги уруғларини топиб олиб, мазкур ўсимликларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштириш мақсадида, ўзи истиқомат қилиб келаётган Бўстонлик тумани, Пском қишлоғида жойлашган хонадонига олиб келиб, томорқасидаги полиз экинлари орасига экиб, ўсиб чиқган жами 39 (ўттиз тўққиз) туп “кўкнори” ўсимликларини остига сув қуйиб, ишлов бериб, келгусида ўзининг истеъмоли учун парваришлаб келган.

2020 йил 10 июль куни Бўстонлик тумани ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган уй-жой дахлсизлигини чекловчи тезкор қидирув тадбири давомида Шарметова Гулноз Абдирахмоновна қараб келаётган

Бўстонлик тумани, Пском қишлоғи, рақамсиз уй кўздан кечирилган вақтда, 39 (ўттиз тўққиз) туп “кўкнори” ўсимликлари ўсиб турганлиги аниқланиб, холислар иштирокида далилий ашё тарикасида олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган судга оид кимёвий экспертизанинг 2020 йил 14 июлдаги 719-сонли хулосасига кўра, Г.Шарметовани хонадони томорқасидан олинган жами 39 (ўттиз тўққиз) туп ўсимликларнинг таркибида опий алкалоидларидан кодеин моддаси мавжуд бўлган “кўкнор” ўсимлигилиги, мазкур ўсимлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги № 878-сонли қарор билан тақиқланган гиёҳвандлик воситалари туркумига киритилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **Г.Шарметова** айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагича кўрсатма берди, яъни у 2020 йил апрель ойида Бўстонлик тумани, Пском қишлоғидаги озик-овқат дўконига кетаётган вақтида йўлда кичик полителен пакет ўрамини топиб олганлиги, ушбу полителен пакет ўрамини ичида майда уруғлар борлигини кўриб, ушбу уруғларни қандай ўсимлик уруғлари эканлигини билиш мақсадида уйига олиб келиб экишга қарор қилганлиги, уруғларни ховлисидаги томорқа ер майдонида ўсиб турган, доривор ўсимликлар ҳамда полиз экинлари орасига сочиб, экиб чиққанлиги, у 10-15 кунда томорқасидаги полиз экинларини суғораётган вақтида ушбу эккан уруғларига ҳам сув қуйиб турганлиги, орадан вақт ўтиб, уруғлардан яшил рангли, ўзига хос хидли жами 39 (ўттиз тўққиз) туп ўсимликлар чиқиб келганлиги, шу вақтда у ушбу ўсимликларни кўриб “кўкнори” ўсимликлари эканлигини билганлиги, ёшлигида “кўкнори” ўсимлигини қандай бўлишини кўрганлиги ва уни шамоллаганда ичилса тузалишини эшитганлиги сабабли ушбу ўсимликларни юлиб ташламасдан келгусида шамоллаганда ва бошқа касалликларга чалинганда ўзи истеъмол қилиши учун сақлаб қолганлиги, ушбу 39 туп “кўкнори” ўсимликларини парваришлаб сув қуйиб ўстиришда давом этганлиги, 2020 йилнинг июль ойида у парваришлаб келаётган “кўкнори” ўсимликлари гуллаб бошоқлашни бошлаганлиги, 2020 йил 10 июль куни соат 17:30 лар атрофида уйда бўлган вақтида турмуш ўртоғим Шарметов Зайдуллони исмини айтиб чақирганлиги, у ким келганлигини билиш мақсадида чиқиб қараган вақтида эшиги олдида бир неча нафар фуқаролик кийимида бўлган шахслар қўшнилари билан турганлигини кўрганлиги, фуқаролик кийимида бўлган шахслар ўзларида бўлган хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, ИИБ ходимлари эканлигини айтишиб, хонадонида уй-жой дахлсизлигини чекловчи қарорга асосан кўздан кечириш ҳаракатини ўтказишлигини айтишиб, мени қарор билан таништиришди, шундан сўнг уларни уйига киришига рухсат берганлиги, ИИБ ходимлари уйда кўздан кечириш ҳаракатини бошлашдан аввал хонадонида ноқонуний нарса ва буюмларим бўлса ихтиёрий равишда топширишлигини сўрашганлиги, уларга уйда ҳеч қандай ноқонуний нарса ва буюмлари йўқлигини маълум қилганидан сўнг, улар қўшнилари С.Хакимов ва М.Хасановлар холислигида уйига кириб кўздан кечиришни бошлашганлиги, уйини томорқасини кўздан кечириши жараёнида у экиб, парваришлаб келаётган жами 39 туп “кўкнори” ўсимликларини топишганлиги, ундан ушбу

Ўсимликларни қандай ўсимлик эканлигини ва ким томонидан қандай мақсадларда экилиб парваришланиб келинаётганлиги ҳақида сўрашган вақтида, уларга ушбу ўсимликларни у экканлиги, ушбу ўсимликлар “кўкнори” ўсимликлари эканлигини, уни шамоллашда ичиш учун экиб парваришлаб келаётганлигини айтганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлари хонадони томорқасидан аниқланган ушбу 39 туп “кўкнори” ўсимликларини баённома расмийлаштириб олишганлиги, у мазкур ўсимликларни ўзи экиб, парваришлаганлиги, оила аъзоларини бундан умуман ҳабари бўлмаганлиги, кўкнори ўсимлигини парваришлаб, уни ўзининг исьмоли учун сақлаб келганлиги, уни ҳеч кимга айтмаганлиги ва бериш мақсади ҳам бўлмаганлиги, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини таъкидлаб, суддан енгиллик сўради.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Т.Жаитметова** куйидагича кўрсатма берган, яъни 2020 йил 10 июль куни 17:00 ларда уйда бўлган вақтида, уйига ИИБ ходимлари келиб, ўзларини хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб таништиришиб, ундан кўздан кечириш ҳаракатида ҳолис сифатида қатнашиб беришини сўрашганлиги, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганлиги ва ҳолис сифатида қатнашиш уни фуқаролик бурчи деб билганлиги учун ушбу ҳаракатда ҳолис сифатида қатнашишга рози бўлганлиги, ИИБ ходимлари ундан ташқари иккинчи ҳолис сифатида кўшниси Хакимов Муроджон акани ҳам таклиф қилишганлиги, шундан сўнг улар ИИБ ходимлари билан биргаликда кўшниси Пском қишлоғида яшовчи Шарметова Гулнозни уйига боришганлиги, ИИБ ходимлари Шарметова Гулнозни уйдан чақиришганлиги, у чиқиб келганидан сўнг ИИБ ходимлари ўзларининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, таништиришиб, хонадонидан тезкор қидирув тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарорга асосан кўздан кечириш ҳаракатини ўтказишлигини айтишганлиги, Шарметова Гулноз қарор билан танишиб чиқиб хонадонидан кўздан кечириш ҳаракатини ўтказишга рухсат беришганлиги, ИИБ ходимлари кўздан кечириш ҳаракатини бошлашдан аввал Шарметова Гулноздан хонадонидан қонун билан тақиқланган нарса ва буюмлари бўлса ихтиёрий равишда топширишлигини сўрашганлиги, Шарметова Гулноз уларга хонадонидан ҳеч қандай ноқонуний нарса ва буюмлари йўқлигини маълум қилганидан сўнг, улар холислигида Шарметова Гулнозни хонадонидан кўздан кечириш ҳаракатини бошлашганлиги, ИИБ ходимлари кўздан кечириш давомида хонадон томорқасида полиз экинлари орасида яшил рангли, ўткир хидли ўсимлик тупларини ўсиб турганлигини аниқлашганлиги, ИИБ ходимлари улар иштирокида ушбу ўсимликларни санокдан ўтказишганлиги жами 39 (ўттиз тўққиз) туп эканлиги аниқланганлиги, ИИБ ходимлари Шарметова Гулноздан ушбу томорқасида аниқланган жами 39 (ўттиз тўққиз) туп яшил рангли, ўткир хидли ўсимликлар қандай ўсимлик эканлигини ва ким томонидан экилиб парваришланиб келинаётганлиги ҳақида сўрашганлиги, у мазкур ўсимликлар “кўкнори” гиёҳвандлик воситаси ўсимликлари эканлигини, мазкур ўсимликларни ўзининг исьмоли учун 2020 йилнинг апрель ойларида томорқасига экиб парваришлаб келаётганлигини маълум қилганлиги, шундан сўнг ИИБ

ходимлари улар иштирокида баённома расмийлаштириб ушбу ўсимликларни юлиб олиб, қопга солиб муҳрлашганлиги, барча ҳаракатлар ИИБ ходимлари томонидан фотосуратларга олиниб, хонадоннинг бошқа хоналаридан ҳеч қандай ноқонуний нарса ва буюмлар аниқланмаганлиги, у ҳолис сифатида қатнашган кўздан кечириш ҳаракатда ИИБ ходимлари томонидан Шарметова Гулноз Абдирахмоновнани хонадони томорқасидан аниқланган жами 39 (ўттиз тўққиз) туп яшил рангли, ўткир хидли ўсимлик қандай ўсимлик эканлигини ва ким томонидан экилиб парваришланиб келинаётганлиги ҳақида сўрашган вақтда, у ушбу ўсимликлар “кўкнори” ўсимликлари эканлигини, мазкур ўсимликларни у 2020 йилнинг баҳор ойларида ўзининг истеъмоли учун хонадони томорқасига экиб парваришлаб келганлигини маълум қилганлиги, у ҳолис сифатида қатнашган кўздан кечириш ҳаракатида ИИБ ходимлари томонидан ҳеч қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этилмаганлигини маълум қилган.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **М.Ҳакимов** гувоҳ М.Ҳакимовнинг кўрсатмаларига ўхшаш анологик кўрсатма берган.

Ўзбекистон Республикаси бўйлаб COVID-19 каронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш мақсадида ҳудудда тегишли чора тадбирлар белгиланганлиги боис, гувоҳлар С.Ҳакимов ва М.Ҳакимовларни суд мажлисига таклиф қилиб, уларни сўроқ қилишни имкони бўлмади.

Судланувчи Г.Шарметованинг розилиги билан уларни дастлабки тергов давомида берган кўрсатмалари ўқиб эшиттирилди, уларнинг кўрсатмаларини судланувчи тўлиқ тасдиқлади.

Суд давлат айбловчисининг ҳулосасини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, судланувчи Г.Шарметовани айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари,

-судланувчи Г.Шарметовани уйдан далилий ашё тариқасида олинган 39 туп “кўкнор” гиёҳвандлик воситаси билан (и.в. 4-22, 38);

-судга оид кимёвий экспертиза ҳулосаси билан, унга кўра судланувчи Г.Шарметовани уйдан олинган жами 39 туп таркибида опий алкалоидларидан кодеин моддаси мавжуд бўлган “кўкнор” ўсимлиги эканлиги кўрсатиб ўтилган (и.в. 17-22);

-судланувчи Г.Шарметова ҳамда гувоҳ С.Ҳакимов ва М.Ҳакимовлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси билан, унга кўра улар бир-бирларини кўрсатмаларини тўлиқ тасдиқлаган (и.в.48-55);

-судга оид наркологик экспертизаси ҳулосаси билан, унга кўра Г.Шарметова гиёҳвандлик воситасини истеъмом қилишга ружу қўймаганлиги ва у тиббий даволанишга мухтож эмаслиги белгилаб ўтилган (и.в.61) ҳамда жиноят иши ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Шарметова томонидан содир этилган жиноятнинг юридик малакасини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан

таъқиқланган экинлар, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибид гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиб, етиштиришликда ифодаланган жиноий хатти-харакатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри малакалаган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Шарметовага жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, аёллиги, оилада ягона боқувчи эканлигини унинг айбини енгиллаштирувчи ҳолати қилиб, шунингдек айбини оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳам инобатга олиб унга санкция доирасида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгилашни лозим топади.

Шунингдек суд, далилий ашё тариқасида олинган 39 (ўттиз тўққиз) туп “кўкнор” ўсимлигини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И

Судланувчи **Шарметова Гулноз Абдирахмоновна** (Sharmetova Gulnoz Abdirahmonovna) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга иш ҳақини 15% давлат даромади ҳисобига ундирилган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, жазони ижро этувчи орган белгилаб берадиган жойларда ўтатириш белгилансин.

Жазо муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро қилиш Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани ИИБ Пробация хизмати зиммасига юклатилсин.

Г.Шарметовага нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Далилий ашё тариқасида олинган ва ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ДХХ махсус омборида № 0018126-сонли қвитанция асосида сақланаётган 39 (ўттиз тўққиз) туп “кўкнор” ўсимлиги тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 10 сутка муддат ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судига апелляция шикоятини ёки апелляция протести, 10 кунлик муддат ўтганидан сўнг эса шу тартибда кассация шикоятини ёки кассация протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи, судья:**

**Ж.Хожаев**